







«АСР ВАБ СИ»

Унга қарши курашиш — долзарб масала

Бугунги кунда гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш ҳамда наркомания тарқалишининг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан бири.

Гиёвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга, ёшларнинг гиёвандлик йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишга, айниқса, бугун дунёда гиёвандлик воситалари ўрнини босиб бораётган, таркибда гиёвандлик воситалари бўлган, психотроп ва инсон организмига кучли таъсир этувчи дори-дармонлар ҳамда синтетик наркотик моддаларнинг республикамиз ҳудудида кириб келиши, тарқалишига қарши қаратилган бир қанча тезкор ва профилактик ишлар амалга оширилди.

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кун

Жумладан, 2020 йилнинг 1 февраль кундан 1 март кунига қадар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлилий маркази, наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиялари ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда "Ёшлар орасида наркотик воситаларнинг тарқалишига қарши кураш" тезкор-профилактик тадбири самарали ўтказилди. Тадбир довомида ҳудудларда фаолият кўрсатётган Ёшлар, Маънавият ва маърифат марказлари, барча олий таълим, ўрта махсус ўқув юрталари ҳамда умумтаълим мактабларида "Биз гиёвандликка қаршимиз" мавзусида профилактик ҳаракатдаги 7 710 мартаба учрашув, дара суҳбатлари ўтказилди, уларда 989 мингга яқин талаба ва ўқувчилар иштирок этди. Ўтказилган профилактик-оғоҳлантирув, тарғибот-ташвиқот тадбирларида ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси Гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бошқармаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда тайёрланган "Ажал оғуси" ҳужжатли видеофильм ҳамда ижтимоий ро-

лиқлардан фойдаланилди. Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг "Наркотик моддаларнинг суистеъмол ва ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича 2016—2020 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар" режаси ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси Гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бошқармаси, шунингдек, унинг жойлардаги тизимлари томонидан 2020 йил 1 майдан 30 июнга қадар "Қора дори — 2020" кенг қамровли тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда. Мазкур тадбирнинг ўтган даврида гиёвандлик воситалари билан боғлиқ 787 та ҳолат аниқланди, ноқонуний муомаладан 285 килограммдан ортиқ гиёвандлик воситалари олинди, 2 886 кв.м. ер майдонда таркибда гиёвандлик моддалари бўлган ўсимликлар парвартиланаётгани аниқланди. Шунингдек, республика бўйича 103 та ҳолатда 295 кв.м. ер майдонда ёввойи наشا ўсимликлари ўсаётгани аниқланди, йўқ қилинди.

Жумладан, 4 май кунги Фарғона вилоятининг Риштон туманида яшовчи, 1966 йилда туғилган Қ. Полонов яшаш уйи ховлисининг 380 кв.м. ер майдонда жойлашган иссиқхонада жами 19 минг 594 тул кўкно-

рингдек, автомашина орқа ўриндиғида йўловчи сифатида келаётган Хоразм вилоятида яшовчи М.Д.га тегишли 286 дона "Тропикамид" дори воситалари борлиги аниқланди. Давом эттирилган тезкор ишлар натижасида Н.С. ушбу дори воситаларини Тўртқўл туманида яшовчи А.Ш.дан олганлиги аниқланди, унинг яшаш уйдан 2480 дона "Трамдол", 238 дона "Регален" ва 3 дона "Тропикамид" дори воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

20 май кунги Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшовчи Р.Р. ўзининг яшаш уйида 19 килограмм 434 грамм кўкнори гиёвандлик воситаларини келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаб келаётганлиги аниқланди.

Шу ўринда айтиш лозимки, республикамизда COVID-19 инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш ишлари давом эттирилаётган бир вақтда, жорий йил бошидан 20 июнь кунига қадар республика бўйича гиёвандлик воситалари билан боғлиқ 2477 та жиноят аниқланди. Бу 2019 йилнинг июнь ойи якунига нисбатан 577 тага кўп (2019 йил 6 ойда 1900 та). Ноқонуний муомаладан эса жами 516 кг. 804 грамм гиёвандлик воситалари олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 203 кг. 293 грамм кўп (2019 йил 6 ойда 313 кг. 511 грамм).

Гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири экани эътиборга олинган ҳолда, наркотик моддалар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва фош қилишга қаратилган тадбирлар давом эттирилмоқда.

Элэод РАҲМАТОВ, ИИБ ЖҚББ ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили, подполковник.

ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

Тадбиркорлик — аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга хизмат қилувчи муҳим восита ҳисобланади. Ушбу фаолият билан шуғулланиш учун эса одамда ҳоҳиш, ғоя ҳамда ташаббус бўлса, кифоя. Икконият, имтиёз ва молиявий қўллаб-қувватлов эса давлатимиз, қолаверса, молия муассасалари томонидан яратиб берилмоқда.

Молия муассасаларида

Дарҳақиқат, бугун юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти. Бунинг самараси эса ён-атрофимиздаги ўзгаришларда, жойларда ишга тушаётган кичик-кичик ишлаб чиқариш субъектлари, оилавий корхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятида яққол намойён бўлмоқда. Ушбу жараёнда эса акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам фаол қатнашяпти.

Бу ҳақда пойтахтимизда мазкур молия муассасаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Хар бир оила — тадбиркор" дастури, хотин-қизлар бандлиги ҳамда "Ёшлар — келажгимиз" Давлат дастури ижроси доирасида амал-



Реклама ўрнида

каби қатор соҳаларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. — Жумладан, шу йилнинг 24 июнь ҳолатига кўра, Халқ банки томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 21 минг 232 та лойиҳага 647,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар тақдим этилди, — дейди банк департаменти директори ўринбосари Шерзод Хўжаев. — Натижада 22 минг 532 кишининг бандлиги таъминланди.

Бу шунча одамнинг моддий манфаатдорлиги, оилаларнинг жамият олдидаги фаоллиги ошганлигини англатади.

Эътиборлиси шундаки, Халқ банки коронавирус пандемияси даврида республикамизда жорий қилинган карантин вақтида ҳам бу борадаги ишларни тўхтатиб қўйгани йўқ. Айтиш мумкин, шу карантин шароитида 19 минг 183 та лойиҳага 550,5 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилган, қариб 20 минг кишилар ишли бўлгани бунинг тасдиқидир.

Аёлнинг нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирги кунда юртимизда хотин-қизларга яратилаётган

шароит эса уларнинг ижтимоий фаоллиги ошириб, етук ишбилармон бўлишларида қўл келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони уларнинг орзу-истакларини рўйга чиқаришда айтиш мудида амалга оширилган лойиҳалар доирасида 36 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бунинг натижасида бюджетта 1,2 миллиард сўмлик солиқ тушумлари тушган.

Жорий йилда ҳам Халқ банки томонидан аёллар тадбиркорлиги ва уларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Шунингдек, "Ёшлар — келажгимиз" Давлат дастури асосида 214 та лойиҳага 55,2 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Бу ҳам жойларда 607 та янги иш ўрни яратилишига асос бўлди.

Хулоса ўрнида айтганда, акциядорлик тижорат Халқ банки республикамиздаги йирик ва мижозлари кўп молия муассасаси сифатида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини рўйга чиқариш, мижозлар талабини қондириш йўлида барча имкониятни ишга солимоқда.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for Denov Tadbirkorlik va Pedagogika Institututi featuring a call center and contact information.

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ичидан энг ёш таълим масканидир. Бой тарихга, аъёнларга ҳамда инновацион ғояларга эга бўлган қадимий Денов шаҳрида қад ростлаган Денов тадбиркорлик ва педагогика институти жамоаси илму маърифат ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги ютуқларни янада кўпайтириш ва Ватан равнақига бундан ҳам муносиб ҳисса қўшиш учун қатъият, шижоат билан меҳнат қилишни ўзларининг шарафли бурчи деб билади.

Table showing acceptance results for Denov Tadbirkorlik va Pedagogika Institututi, including subjects like Mathematics and Informatics, and their respective scores.

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, шунингдек, таълим жараёнига тажрибали, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш мақсадида танлов асосида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи-ассистент, ўқитувчи-стажер лавозимларига ишга тақлиф этади.

Table listing educational specialties and their corresponding numbers for recruitment.

Ушбу лавозимларни эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр ёки дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ёки илмий унвонга (фан номзоди, фалсафа доктори PhD, доцент, фан доктори, фан доктори (DSc), профессор) эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар онлайн тарзда топширилиши сўралади: — Паспорт нусخаси. — Маълумотнома (объективка). — Олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси. — Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари.

Мурожаат учун: веб-сайт: www.dtpi.uz. E-mail: info.dtpi@edu.uz. Тел.: 76-413-90-24, 76-413-90-26, 95-650-77-57. Манзил: Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 360-уй. Индекс: 190507.

Footer section containing contact information for 'Xalq S'uzi' newspaper, including phone numbers, website, and address.